



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 5 июль, № 128 (3927)

Чоршанба

## МУСТАКИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

Яқинда бир даврада суҳбат мавзуси мамлакатимизнинг кейинги ўн беш йилда босиб ўтган йўлига таъриф-таъсиф бериш хусусида кечди. Суҳбатдошларимиздан бири: "Мен бу йилларни меҳр-мурувват, саховат, халқнинг турмуш шарт-шароитларини яхшилаш, бир сўз билан айтганда, инсон омили йиллари деб атаган бўлур эдим" деса, яна бир дўстимиз: "Ўтган даврни Ўзбекистонни ҳар тарафлама дунёга танитган ўн беш йил деб айтган бўлардим," деди.



## ШАРҚНИНГ МУҲТАШАМ ДАРВОЗАСИ

Табиатан, ўйчан, ота касби қурувчи бўлган яна бир биродаримиз эса: "Галларингизга тўлиқ қўшилиман-у, менимча, кейинги ўн беш йил Ўзбекистонда улкан бунёдкорлик, яратувчилар йиллари бўлди, десак — тўғрироқ бўларди", деди.

Аслида суҳбатдошларимизнинг ҳаммаси ҳақ. Дарҳақиқат, шу йилларда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти беқиёс даражада юксалди. Қайси соҳани олманг, улкан ўзгаришларнинг, кенг қамровли ютуқларнинг шоҳиди бўласиз.

Биргина Шарқнинг дарвозаси — Тошкент Марказий темир йўл вокзалини олиб кўрайлик. Кейинги йилларда бу ерда Юртбошимиз раҳбарлигида мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мана, перронга "Москва-Тошкент" поёзди келиб тўхтади. Ундан тушган ёши улғурроқ бир киши атрофга аланглаб, афтидан адашгандай кўринди-да, вагон кузатувчисига яқинлашиб: "Бу ўзимизнинг Тошкентми?" деб сўради. Тасдиқ жавобини олган, унга қарата: "Ажабо! Икки-йил олдин бу ер умуман бошқача эди. Шунчаллик ҳам ўзгариб кетдимми?" деб қўйди.

Ҳа, меҳмоннинг гапиде жон бор. Бу ер авваллари, ҳақиқатан ҳам, бошқача эди. Синиқ ва алмисоқдан қолган ўриндиқлар, қандайдир

хид анқиган қутиш заллари, кўнгли тортмайдиган таомлар. Бунинг устига хизмат кўрсатиш маданияти ҳам қарвонсаройга хос бўлиб, чипта олмоқчи бўлсанг, фақат "Йўқ!" деган жавоб айтиларди.

Бугун Тошкент Марказий темир йўл вокзали жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб беради, деб айтсак, хато қилмаган бўламиз. Зеро, йўловчиларга юксак даражада хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Оналар ва болалар хонаси, бизнес-зал, ҳарбийлар зали, махсус меҳмонлар хонаси, ресторан, қаҳвахона ва буфетлар ҳавас қиларлик тарзда ишлаб турибди. Қутиш залларини айтмайсизми? Жоннинг

роҳати. Ёзда муздай, қишда иссиқ. Бу ердаги алоқа воситалари орқали санокли дақиқаларда дунёнинг исталган бурчаги билан боғланиш мумкин. Интернет-кафе ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқлари кеча-ю кундуз йўловчи ихтиёрида.

Пештоқига "Болалар хонаси" деб ёзиб қўйилган залга бош суқдик. Тўғриси айтганда, у ердаги ранг-баранг ўйинчоқлари, турли журнал, китобларни кўриб, ҳайратимиз ошди. Болаларнинг кўзларида қувонч. Очиги, тенгдошларим ёш-лиқ кечган ўтган асрнинг 60-70-йиллари ёдимга тушди. Кечагидай эсимда, худди шу вокзалда дамдам билан изгиринда соатлаб поезд кут-

ганимиз, "плацкарт" вагонга чипта ололмадан умумий вагонда минг азобда манзилга етгандик. Ушаларни эслаб, бугунги фарахбахш кунларга шукрона келтирдим.

Маълумот учун айтиш мумкинки, Тошкент Марказий темир йўл вокзалидан бир кеча-кундузда 5 та халқаро, 8 та ички қатновлар амалга оширилади. Бу — ушбу масканга ҳар кун миң-миңлаб одамларнинг қадами тегади, деганидир. Табиийки, бу қўлайликлардан миннатдор ҳар қандай киши ўзига кўрсатилган намунали хизмат ва муомаладан завқланиб, унинг яратувчиларига раҳматлар айтади.

Муҳташам бино пештоқидаги улкан соат миллари худди мустақиллик фурсатларини қатъий одимларда ифодалаб тургандай. Гўё азиз асримизнинг азиз онлари шу соат кўрсатган дақиқа ва сонияларни ўлчаётгандай туюлади. Насиб этса, бугунги бунёдкор халқимизнинг жасорати билан келгуси авлодлар ҳам гурурланадилар.

Сандоллим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: Тошкент Марказий темир йўл вокзалини лавҳалар.

Томур ҚУРБОНБОВ олган суратлар.



## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНОФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бугун инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса, сўнги пайтларда энг ўқир ва долзарб масалага айланиб бораётганини яқин кўзатиш мумкин ва буни табиий ҳол, деб қабул қилишимиз кераклигини алоҳида таъкидлаган эди.

Юртбошимизнинг ушбу фикрлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидованинг Наманган вилоятига ташрифи дастурининг асосини ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

## ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ички ишлар идораларида хизмат қилишни истайдиган ёшлар учун Ички ишлар вазирлиги академияси, Ёшлар хавфсизлиги олий техник мактаби, Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти каби олий таълим даргоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Ёшларнинг оқилолигини сақлаш йўлида хизмат қилишни шараф деб биландиган ёшлар тобора кўпаяётганини қувонарлик ҳол. Уларга бу борада барча зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ички ишлар органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида бундан ўн икки йил олдин давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган, юқори малакали, халқига, юртига содиқ, маънавияти юксак ходимларни тайёрловчи Ички ишлар вазирлиги академиясида кундузги таълим ҳамда Олий академик курс битирувчиларига диплом ва

кўкрак нишонларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова, ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлубов, мазкур академия кафедраси мудири, полковник И.Исмоилов, ота-оналар ва битирувчилар номидан сўзга чиққан С.Норбутова, Б.Жуманиев ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётгани мамлакатимиз олий ўқув юрталаридаги таълим жараёни, ўқитиш сифати ва савиясини янада юксалишида муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидладилар.

Мамлакатимизда энг-юрт тинчлиги, Ватан равақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш, эркин фуқаролик жамиятини қарор топтириш, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш борасида кенг қўламли ишлар

амалга оширилаётди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда, суд-ҳуқуқ тизими соҳасида изчиллик билан амалга оширилётган кенг қамровли илоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш суд-ҳуқуқ тизими соҳасида амалга ошириладиган илоҳотларнинг устувор йўналишларидандир. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятда қонунийликни таъминлашга, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишини энг муҳим қафолати сифатида суд жамиятининг нуфузини янада мустаҳкамлашга, судларни ихтисослаштиришга, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Ҳуқуқ-тартибот соҳасида амалга оширилётган илоҳотлар, аввало, фуқаролар эркинлиги ва конституциявий ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркин-

ликлари, жамият ва давлат манфаатлари ҳимояси эндиликда ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини баҳолашнинг муҳим мезонларидандир.

Тадбирда мустақилликни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, шунингдек, террорчилик, диний экстремизм ва ақидларастликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашни янада қучайтириш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилди. Терроризмга қарши кураш дунё миқёсидаги долзарб муаммолардан бўлиб турган бугунги кунда тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчи бўлиб қолаётгани таъкидланди.

Тадбир сўнгига санъат усталари ва ёш ижроичилар иштирокида концерт намойиш этилди.

Баҳзод НОРБОВ, 9-а мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### «Тошавтобустрас» акциядорлик компанияси корхоналарининг давлатга қарашли акциялари пакетларини хусусий мулк этиб сотиш тўғрисида

Харакат таркибидан, хусусан, шинам "Мерседес-Бенц" автобуслари билан самарали, авайлаб ва мақсадли фойдаланишдан автобус саройлари ходимларининг манфаатдорлигини ошириш, хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш ва шу асосда Тошкент шаҳри аҳолисига шаҳар автобус транспортида йўловчи ташиш хизмати сифатини яхшилашни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПФ-3713-сонли Фармони билан тузилган Ишчи комиссиясининг, Ўзбекистон Республикаси давлат мулк кўмитаси, Иқтисодийёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмасининг "Тошавтобустрас" акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлат акциялари пакетларини, иловага мувофиқ, хусусий мулк этиб икки босқичда сотиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

биринчи босқичда (2006-2007 йиллар) — жалб этилган хорижий кредитлар тўлиқ тўланган 159 та "Мерседес-Бенц" автобусларининг қиймати устив жамғармаларига қўшилишини ҳисобга олган ҳолда автобус саройларининг давлатга қарашли акцияларини сотиш;

иккинчи босқичда (2008-2010 йиллар) — автобус саройларининг устив жамғармаларини Ўзбекистон Республикаси кафилигида олинган ва ҳали тўлиқ тўланмаган хорижий кредитлар ҳисобидеги 362 та "Мерседес-Бенц" автобусларининг қиймати микдоридеги кўпайтириш, шу қийматга тенг микдорда қўшимча равишда чиқарилган акцияларни хусусий мулк этиб сотиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси Молия вазирлиги, "Тошавтобустрас" акциядорлик компанияси билан биргаликда 2007 йилнинг 1 январига 362 та "Мерседес-Бенц" автобусларининг қиймати қўшилишини ҳисобга олган ҳолда "Тошавтобустрас" АК автобус саройларининг устив жамғармаларини белгиланган тартибда мувофиқлаштирсин.

2. Белгилансинки, хусусий мулкда "Мерседес-Бенц" автобуслари

мавжуд бўлган "Тошавтобустрас" акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлат акциялари пакетлари ёпиқ қимомоди савдоларини ўтказиш асосида биринчи навбатда автобус саройлари меҳнат жамоаларининг аъзоларига, шунингдек, "Тошавтобустрас" АК таркибига кирган ҳамда йўловчиларга бир маромда ва бехатар хизмат кўрсатишни таъминлайдиган ишонли автойўловчи ташувчи сифатида ўзини намойён этган автокорхоналарга сотилади.

3. "Тошавтобустрас" акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлатга қарашли акциялари пакетларини сотишдан тушадиган маблағларини тақсимлашнинг қўйидаги тартиби белгилансин:

давлатга қарашли акциялар пакетларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 30 фоизи, биринчи навбатда, "Мерседес-Бенц" автобусларини сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси кафилигида жалб этилган хорижий кредитларни тўлашга;

давлатга қарашли акциялар пакетларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 40 фоизи 2010 йилнинг охиригача "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмасига қайтариб бериш шарти билан автобус саройларининг ҳаракат таркибини янгилашга, шу жумладан лизинг асосида мақсадли фойдаланиш учун беш йил муддатга йўналтирилади;

давлатга қарашли акциялар пакетларини сотишдан тушадиган маблағларнинг қолган қисми қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда белгиланган тартибда "Тошавтобустрас" акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлатга қарашли акциялари пакетларини автобуслардан автобус саройларига бириктирилган йўналишларда мақсадли фойдаланиш мажбурияти олинган ҳолда ёпиқ қимомоди савдоларида сотиш тартиби

тўғрисида низом ишлаб чиқини ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт ва зирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулк кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси ва "Асака" банкининг:

Тошкент шаҳар автобус саройларининг ҳаракат таркибини 2008-2010 йиллар даврида босқичма-босқич янгилаш, "Тошавтобустрас" саройларининг давлат акциялари пакетларини сотишдан тушадиган маблағларининг "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмасида қолдириладиган қисми, шунингдек, автобус саройларининг ўз маблағлари, мамлакатимиз банклари ва хорижий банкларнинг, халқаро молия институтларининг кредитлари ҳисобига асосан дизель ва газ ёнилғиси билан ишлайдиган автобуслардан фойдаланиш тўғрисидаги:

"Асака" банки ва "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси томонидан тегишли лицензия асосида тижорат мақсадида йўловчилар ташийдиган юридик шахсларга автобусларни лизингга бериш бўйича лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Янги ташкил этиладиган лизинг компанияси 2010 йилнинг 1 январига Тошкент шаҳри автобус саройларига лизингга бериладиган йўловчи ташиш автобусларини олиб кириш чоғида божхона тўловлари тўлашдан озод қилинсин (божхона расмиyllаштируви учун иғтимлар бундан мустасно).

6. Шаҳар йўловчи транспортининг бир маромда ва бехатар фаолият кўрсатишини таъминлаш, ҳаракат таркибини янгилаш, шаҳар йўналишларидеги автобуслардан самарали ва мақсадли фойдаланиш учун Тошкент шаҳар ҳокими (А.Х.Тўхтаев) ва "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси раиси (Ш.Ш.Муҳамеджанов) зиммаларига шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 3 июль.

## Тошкентда "Давлат бошқаруви ва бизнес самарадорлигини оширишда электрон ҳужжат айланиши тизимлари" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмағида Ўзбекистон ахборот технологиялари ташкилотлари ва корхоналари уюшмаси, "IBM", "Balk Technologies", UzNet компаниялари томонидан ташкил этилди.

## ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ АМАЛДА

Семинарда давлат бошқаруви органлари, йирик корхоналар ва бизнес-тузилмалар вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан қўланган мақсад бўлажак буюртмачиларнинг электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш орқали ўз фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва бундай тизимларни ташкил этиш воситаларини тўғрисида хабардорлигини оширишдан иборат.

Семинарда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикасининг амалиётга жорий этилган "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида", "Электрон тижорат тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонулла-

ри электрон ҳужжат айланишининг глобал ва корпоратив тизимларини шакллантириш учун қонуний асос яратганини таъкидлади. Электрон ҳужжат айланиши тизимларининг жорий этилиши ишлаб чиқаришда меҳнат сифатини таъминлаш ва давлат бошқарувида жараёнлар самарадорлигини оширишнинг муҳим шартига айланди.

Тадбир давомида давлат, тижорат ва ноижорат ташкилотларда электрон ҳужжат айланиши тизимларини жорий этиш афзалликлари ҳамда таваккалчилиги, бундай тизимларни ташкил этишнинг техник воситалари (коммуникация, аппарат ва дастурий) қуриб чиқилди. Бундан ташқари, бу

каби тизимларни жорий этишнинг амалий тажрибаси ҳам муҳокама этилди. Чунинчи, семинар қатнашчилари электрон ҳужжат айланишининг ягона идоравий корпоратив муҳитини ташкил этиш нуктаи назаридан UzNet маълумотларини уза-тиш тармоқлари имкониятлари ҳақида маълумотга эга бўлди.

Семинар натижаларига қўра, манфаатдор ташкилотлар замонвий коммуникация, аппарат ва дастурий инфратузилма асосида электрон ҳужжат айланиши тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этишчи компаниялар билан мустақил ишлашни давом эттирди.

В.НИКОЛАЕВ, 9-а мухбири.



Бундан ўн беш йил аввалги манзаралар, ҳолатлар кўз ўнгимизда. Шубҳаланганлар, иккиланганлар, Мустақиллигимизга ишонмаганлар, шивир-шивирли фисқифужур гап тарқатганлар бўлди.

турган халқ адашмади. Ва ўн беш йил — ўн беш дово оша бугун дунёда ҳеч кимдан ҳам эмаслигини, ҳеч кимга қарам бўлмамлигини, ёт-беғона давлатларга ўнгирини бостирмаслигини намойиш қилиб турибди.

одамнинг рўзгори умргузарилик қилади. Аҳмадjonнинг бўлса, одамлар бир фазилига беш кетадилар: у яқинда гўр фермернинг ишлари билан қизиқибди. Фермер ишчиларига гўзапоно сомондан бўлак иш ҳақи бермаслигини суриштириб билибди. Билибди, қони қайнаб кетибди.

БИЗ СУЯНГАН ТОҒЛАР

Ҳашиси, ўзимизга таниш одамлар ҳақида икки оғиз гапирсам. Улар бизнинг кўни-қўшимиз. Ҳозиргина биз билан бир пиёла чой ичган тadbиркор. Даласидан туриб хорижлик шериғига сиз қаҳаётган фермер...

полларнинг аксарияти қаноти қайрилмай кўзлаган манзилга учиб боради. Зафар дегани имтиҳондан қайтибди. Бирдан шавираб қолди. Буни кўриб ўчма-шўнчага парво қилмайдиган Урол Йўлдошев асабийлашиб кетди.

уни пешқадам деб мақтаймиз. Ангорлик дехқонлар қишлоқ хўжалигиндан омадлари келмай уста-устига ер чи-зиб қолдилар. Тўйлардан ўзларини тортдилар. Мажлислар кўпайди. Раҳбарлар алмашди. Лекин аҳвол ўнганаврмади.

лаев бу йил ўзи «Лочин» деб атаган фермер хўжалигини ташкил этилганининг ўн беш йиллигини нишонлайди. Хўжалиқнинг Мустақиллиги-миз билан тенгдошлигини қаранг. «Лочин» 2000 йили «Ташаббус-2000» республика танловига борди. Бунга қадар у ўрта мактаб учун иморат, юз нафар бола шу-

тортиб. — Ёлғон ёмон. Ҳавойи гап ёмон. Йиқитган одам зўр эмас. Бир-бирини сўянган одам зўр. Давоқе, юртни боқувват қиладиган ягона нарса ҳам шу — одамларнинг бир-бирларига хурмати. Ана, бир ҳаммасимиз, яъни фермер суратга туширмоқчи бўлган фотомужбирдан ўзининг исми-шарифларини яширибдилар-а.

Кизирик туманидаги «Истара» маҳалласининг оддий фуқароси Аширғул Холмуродова газ таъминоти идорасининг эшигини қоқди: коммунал тўловни яхшилаш юзасидан хўжалиқ тақлим билдиргани келган. Шу тумандаги «Янги йул» маҳалласидан Шаймўл Эргашев етмиш ёшга қариб оти «чопмай турган фермер хўжалиқининг жиловини кўлига олди.

Илгирликда қонуннинг вилоятдаги ижросида маҳаллий давлат ҳақда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қор-хоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг бевосита иштироки муҳо-кама қилинди.

Замонамиз қаҳрамонлари

Ҳақиқатан ҳам қишлоқ спорт мажмуи қуриб қўйган, мингтадан ошқ қорамол боқаётганда. ҚВП учун пойдевор ташлаганиди. Ўққонларимиз биз, мана, қандай тушунамиз.

Ҳақиқатан ҳам қишлоқ спорт мажмуи қуриб қўйган, мингтадан ошқ қорамол боқаётганда. ҚВП учун пойдевор ташлаганиди. Ўққонларимиз биз, мана, қандай тушунамиз.

Ҳақиқатан ҳам қишлоқ спорт мажмуи қуриб қўйган, мингтадан ошқ қорамол боқаётганда. ҚВП учун пойдевор ташлаганиди. Ўққонларимиз биз, мана, қандай тушунамиз.

Ҳақиқатан ҳам қишлоқ спорт мажмуи қуриб қўйган, мингтадан ошқ қорамол боқаётганда. ҚВП учун пойдевор ташлаганиди. Ўққонларимиз биз, мана, қандай тушунамиз.

Ҳақиқатан ҳам қишлоқ спорт мажмуи қуриб қўйган, мингтадан ошқ қорамол боқаётганда. ҚВП учун пойдевор ташлаганиди. Ўққонларимиз биз, мана, қандай тушунамиз.

Ҳақиқатан ҳам қишлоқ спорт мажмуи қуриб қўйган, мингтадан ошқ қорамол боқаётганда. ҚВП учун пойдевор ташлаганиди. Ўққонларимиз биз, мана, қандай тушунамиз.

Ҳақиқатан ҳам қишлоқ спорт мажмуи қуриб қўйган, мингтадан ошқ қорамол боқаётганда. ҚВП учун пойдевор ташлаганиди. Ўққонларимиз биз, мана, қандай тушунамиз.

Кредит уюшмалари фаолияти такомиллашмоқда

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия соҳасини ривожлантириш агентлиги, Кредит уюшмалари ассоциацияси ва Бутунжаҳон кредит уюшмалари конгаши (ИЮССУ) томонидан «Кредит уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш» мавзусида семинар ташкил этилди.

чак бизнес субъектлари ҳамда фермер хўжалиқларининг молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим ўрин тутаётганини эътироф этишди.



ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Қули давлатдан — қули ҳақиқат сари» тамойилни амалга ошириш истикболлари ҳақида тўхталиб асосида алоҳида таъкидла-нидик, ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳал-лалар ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда қучайтириш зарур. Бу борада «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва «Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар муҳим дастури-ламал бўлмоқда.

Аслида Қувасой республикамыннинг sanoати ривожланган шаҳарлардан ҳисобланади. Бироқ, шаҳар аҳолиси деҳқончилиги соҳибдорликда ҳам беназир ҳисобланишади. Биргина «Эргашбой бог» фермер хўжалигини оладиган бўлсак, жами тасарруфида 10 гектар ер бор. Шундан 7 гектарига галла етиштирилиб, мўл ҳосил олинди.

«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни маълумлади.



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ташриф давомида фуқароларнинг турли вазиятларда қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш муам-молари кўриб чиқилди, ҳойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамжihatлиқ, Омбудсманнинг хуқудий вакили офиси фаолиятга қўмақлашиш ва бош-қа масалалар ҳал қилинди.

БАНКРОТЛИК ҚАРЗДАН ОЗОД ҚИЛМАЙДИ

Сирдарё вилоти хўжалик суди иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, тadbиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, фермерлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, умуман, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ишини ўзининг бош мақсади деб билади.

Бундай ноҳуш ҳолатлардан биринчи гада тadbир-кору ишбилармонлар азият чекишмоқда. Давлат ҳазина-сига лозим бўлган маълум миқдордаги маблағ қилларнингдир лоқайдлиги оқибатида ундирилмай қоляпти.

Ушбу вазиятнинг пайдо бўлишини баҳарлаган, ердан бошқа мақсадларда фойдаланган 450дан ошқроқ фермер хўжалиқи билан тузилган ер ижара шартно-мас бекор қилинганди. 800 нафардан ортироқ фермер эса ўз хоҳишларини билан шартномани бекор қилиш тўғрисида ариза берган эди-лар. Уларнинг банк муассасаларидан, нефть маҳсулот-лари ва кимё идораларидан қарзлари мавжуд. Мана шу қарздорликни тугатмасдан туриб ер ижараси тўғрисида-ги шартномани бекор қилиб бўлмайди. Агар ери қонуний тарзда олиб қўйилган фер-мернинг қарзини унинг ери-ни туман ҳокимининг қарори билан қабул қилиб олган фермер тўлаш мажбурияти-ни олса, нур устига аял нур. Бу ҳолда тумонлар ўртасида ҳеч бир низо келиб қимай-ди. Бироқ ўша фермер бош-қанин қарзини тўлаш учун

Бозор сабоқлари

қарорларнинг амалдаги иж-росини таъминлашда қатор камчиликларга йўл қўйил-моқда. Бу ҳол, ўз навбати-чида, хўжалиқ юритувчи субъектларнинг, янада аниқ-роқ айтганда, тadbиркорлар-нинг ҳақиқий эътирозларига сабаб бўлмоқда. Мана шун-дай эътирозларнинг пайдо бўлмаслиги учун Судлар де-партаменти Сирдарё вило-яти ҳудудий бўлими беш би-лан ўзвий алоқанда фаолият юритишининг аҳамияти кат-та.

қарамасдан суд қарорлари-нинг ижроси бугунги кун та-лабларига жавоб бермайди. Туман ва шаҳар суд ижо-ричалари бўлимиаси томони-дан 2006 йил 1 январь ҳола-тига боқиманда қарзларни қарздорларнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғри-сидаги 9,327 миллион

Тарихий хотирасиз келажак йўқ

**Тарих — инсоният ҳаёти ва воқеалар ифодасидир. Ўтмишни билган, қадрлаган киши ёки жамиятга келажакка ишонч билан қарайди. Юртимиз истиқлол нурларидан баҳраманд бўлган илк давллардан улкан тарихимизни турли «оқ доғлар»дан халос этиб, халқимиз босиб ўтган шонли йўлни, давлатчилигимизни чуқур ва халос ўрганиш долзарб аҳамият касб этди. Президентимиз Ислому Каримов ташаббуси билан халқимизнинг бой тарихини ҳаққоний ўрганиш, миллий қадриятларимизни тиклашга алоҳида эътибор берилди. Бунинг нақадар аҳамиятли бўлганига бугун барчамиз тубоғимиз.**

тиши табиий эди. Ушбу йўналишни холосона тадқиқ ва таҳлил этиш, рўй берган воқеаларни чиқариб олиш мақсадида «Туркистон матбуоти тарихи» китоби яратилди. Унда журналистика-мизнинг тарихий илдизлари, дастлабки газета, журналларнинг пайдо бўлиши,

# «ОҚ ДОҒЛАР»ДАН ХОЛИ ТАРИХ

Шу боис, мамлакатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида 1996 йил сентябрида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази ташкил этилди. Унинг ташкилотчи-олимлари республикамиздаги бошқа илмий муассасалар билан бир қаторда ва тарихимизнинг ҳаққоний тарихини яратиш учун энг шимариб иш бошлади. Тарихчи олимлар долзарб мавзуларга ва мазмунини турли даврларига оид асарларга қўл урди.

Жумладан, марказ, давлат таълим вазирлигининг 1996 йил 16 декабрдаги қарорига асосан 3 хиллик «Ўзбекистон янги тарихи» китобини яратиш бўйича масъулият, айни пайтда шарофли вазифани ўз зимасига олди. «Туркистон совет муштамлақчилиги даврида» ва «Муштакил Ўзбекистон тарихи» китобларининг чоп этилиши аса ана шу йўналишда қилинган ишларнинг ҳосиласи бўлди.

Марказ ўз фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун қатор йўналишларда, хусусан, муштакил Ўзбекистон, мамлакатимизда давлат бошқаруви ва Ўрта Осиёда ҳарбий санъат тарихи ҳамда шахарсозлик маданияти, қадимий алоқа йўналишининг шаклланиши ҳамда ривожланиши бўйича ўттиздан зиёд илмий тўплам, монография асарлар чоп этди. Халқаро маданий ва иқтисодий алоқалар, география, эпиграфик ёдгорликлар,

муштакиллик ва тараққиёт учун кураш» тўпламлари чоп қилинди ҳамда «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси» лойиҳаси яратилди.

Бугун юртимиз ривожини бошқаришда халқнинг ташаббуси, юртимизнинг тарихини, асосан, Туркистонда наشر этилган дастлабки журналлар, уларнинг тарихий-тадқиқотчи ривожланиши ва ҳаётининг қайси баҳаларини ёритгани, ўзига хос хусусиятлари бу ташқиқотнинг мазмун-мунозарасини белгилади.

Албатта, тарихимизни холос ўрганиш, уни тарғиб қилишда китоблар ва бошқа кўланмалар билан чекланиб бўлмайди. Долзарб тарихий муаммоларни ҳал этишда мамлакатимиз ва хориждаги тарихчи олимлар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйишга эътибор қаратиш лозим. Марказ ташкил этган «Ўзбекистон-



Ушбу китоблар марказ томонидан 10 йилда чоп этилган тарих мавзудаги наشرларнинг бир қисми, холос.

матбуотимиз фидойилари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Китоб наشر этилишининг ўзбек журналистикаси ҳаётида катта воқеа деб баҳолашни, марказ олимларининг меҳнатлари ва изланишларига берилган юксак баҳо, десак хато бўлмайди.

Сўнгра «Ўзбекистон журналистикаси тарихи» китоб ташқиқот ҳам босилиб чикди. Мазкур монографияда мамлакатимизда журналистик тарихи, унинг XIX асрда шаклланиш жараёни ва равнақи, таснифий муаммолари, мавзулар доираси, бугунги аҳоли тўғрисида фикр юритилди. Хусусан, Туркистонда наشر этилган дастлабки журналлар, уларнинг тарихий-тадқиқотчи ривожланиши ва ҳаётининг қайси баҳаларини ёритгани, ўзига хос хусусиятлари бу ташқиқотнинг мазмун-мунозарасини белгилади.

Албатта, тарихимизни холос ўрганиш, уни тарғиб қилишда китоблар ва бошқа кўланмалар билан чекланиб бўлмайди. Долзарб тарихий муаммоларни ҳал этишда мамлакатимиз ва хориждаги тарихчи олимлар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйишга эътибор қаратиш лозим. Марказ ташкил этган «Ўзбекистон-

нинг янги тарихи. Концептуал методологик муаммолар» (1999 й.) ва «Тарих, муштакиллик, миллий го» (2000 й.) республика илмий-услубий ҳамда 1999 йил бўлиб ўтган «Марказий Осиё XXI аср бошида: ислохотлар, янгиланишлар, тараққиёт ва муштакиллик учун кураш» мавзуларидаги халқаро илмий анжуманлар бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда айни мuddа бўлди.

Айтиш лозимки, тарих маркази ходимлари Европа Комиссиясининг INTAS дастури бўйича Франция, Россия, Италия ва Финляндия олимлари билан ҳамкорликда ташқиқотлар олиб боришмоқда. Мазкур ташқиқотлар халқаро туризм, XX аср 20-80-йилларида ёдгорликларнинг аҳоли ва Буюк Ипақ йўлидаги маданий ёдгорликлар меъморий меросини асраш муаммолари, ҳозирги Ўзбекистон жамиятида музейларнинг роли сингари масалалар билан ҳамоҳангдир. Шу билан бирга, Бордо ва Тошкент шаҳарларида INTAS лойиҳаси бўйича халқаро илмий семинарлар ўтказилиши ҳам ана шу ишлар самарадорлигини янада оширди. Айни пайтда эса марказ олимлари Россия Федерациясини архивларида сақланаётган Ўзбекистон тарихининг XX асрда оид ноёб ҳужжатлар нусхаларини мамлакатимизга олиб келиш ва илмий муомалага киритиш борасида ҳам иш олиб боришяпти.

Президентимизнинг бир қатор асарларида илгари суртилган ва асослаб берилган тарихга муносабатнинг илмий-услубий тамойиллари ушбу фан ривожига туб бурилишни юзага келтирди. Сўнги йилларда мазкур соҳа ривожига талайгина ижобий ўзгаришлар рўй берди. Қилинган ишлар самарасини янги поғонага кўтариш ва ҳали юртимиз тарихининг очилмаган саҳифаларини холосона ўрганиб, ёритиш ҳамда халқимиз манфаатларига хизмат қилиш бундан бўён ҳам марказимизнинг асосий мақсадлари бўлиб қолаверади.

**Кудрат ИРНАЗАРОВ,**  
тарих фанлари доктори.

**КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК  
«ШАҲАРЛАРАО  
АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобилга ва замонавий шиша талали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қондилагин» қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қондаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабеллариغا шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.



Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказди, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига оlib келади. Эсада тутинг! Алоқа линияларини шикастланган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиб ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассини ўзбошимчалик билан анқиқлашга уринманг, бунга фақат бизнинг вақилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисини кўрсатилади.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:**

<b>«Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали:</b> Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, қом-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш. КУ-1 Тўйтепа ш. КУ-1 Ф-л Ангрэн ЛТЦ Бекобод	50-36-79, 380-40-35 21-306, 21-121, 186-57-51 2-27-61, 186-57-51 2-54-11, 316-97-53
<b>1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:</b> Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй. КУ-1 Тошкент ш., Буюк Ипақ йўли к., 264-уй. КУ-2 Янгийул ш., Чарикова к., 172-уй. КУ-3 Тўйтепа ш.	135-36-59 65-80-43 168-72-86 168-48-51
<b>2-ШМАНБ манзили:</b> Кўкон ш., Истиклол к., 58-уй. КУ-2 Бешарик тум. маркази, Сирдарё к., 9-уй. КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора. КУ-4 Андижон ш., Чўпон к., 9-уй. КУ-5 Янгийурғон тум. маркази, Чўстий к., 1-уй.	55-2-24-71 61-2-23-66 25-08-82 22-23-81 52-9-24-55
<b>3-ШМАНБ манзили:</b> Гулистон ш., Дўстлик кўр. КУ Сирдарё ш. КУ Жиззах ш. ЛТЦ-2 Янгийер ш.	27-16-20 57-28-98, 57-34-36 77-05-27, 6-22-07 72-30-28, 72-30-24
<b>4-ШМАНБ манзили:</b> Булунгур ш., Самарқанд к., 18-уй.	33-52-60
<b>5-ШМАНБ манзили:</b> Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй.	223-38-37
<b>6-ШМАНБ манзили:</b> Нукус ш., Ашқобод к., 1-уй. КУ Тўрткўл ш. КУ Беруний ш.	222-37-07, 222-00-43 532-30-60, ички 1-42 524-30-60, ички 1-38
<b>7-ШМАНБ манзили:</b> Термиз ш., Гагарин к., 32-уй. ЛТЦ-16 Денов ш.	3-59-07 7-37-62
<b>8-ШМАНБ манзили:</b> Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй. ЛТЦ-15 Ғузор ш.	221-02-41 55-22-1-67
<b>9-ШМАНБ манзили:</b> Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
<b>10-ШМАНБ манзили:</b> Навоий ш., Кармана к., 2-б. уй. КУ-3 Каттакўрғон ш. КУ-4 Ғиждувон ш.	224-75-21 45-5-24-54 57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасига руҳсатсиз кириб ишлаш ва улараг шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:  
• руҳсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;  
• кабель магистраль алоқа линиялар трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;  
• кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни қўрсатувчи оғоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, қумиб юбориш;  
• турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;  
• кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиб, шурф қурилиш ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;  
• турли хил қичқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;  
• магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!

**ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!  
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**

«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали

**Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари  
Сизинга муваффақиятчангиз учун!**

**«ПАКТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНИЗ КАЛИТИДИР!**

**ЎЗБЕКТИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ФАВОЛИЯТИ  
ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШИ ТАКОМИЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ БЎЙИЧА ИДРОЛАРАО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ**

теледиорозшиттириш соҳасида радиоқастоталарни тақсимлаш ва фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибда лицензиялар бериш учун танловнинг қуйидаги таклиф бўйича бюуртамалар учун аризалар қабул қилишни тугаш мuddати 2006 йил 15 июлгача УЗАЙТИРИЛГАНЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Частота	Узатиш қуввати	Тарқатиш ҳудуди
<b>1. Фаолият тури — телевидение қўрсатувларини тарқатиш (трансляция қилиш)</b>		
<b>5-лот*</b>	9-телевизион канал (198-206 МГц частоталар поласалари)	100 Вт Қашқадарь вилояти, Муборак шаҳри

\* Ижара шарти билан танлов ўтказиш тўғрисида эълон «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида 2006 йилнинг 1 июлида (№104), «Прява Востока» газетасининг 2006 йил 31 майда (№101) берилган.

**Эл соғлиғи — юрт бойлиғи**

Қўқон шаҳар стоматология поликлиникасида бугунги кунда даволаш сифатини оширишга, юқори малакали хизмат кўрсатиш билан бирга янги ихтироларни амалда татбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда.

**ЮТУҚҚА ЯРАША ШАРОИТ ЗАРУР**

Шу кунгача бу ерда 135 та рационализаторлик тақлифлари амалиётга киритилиб, ҳозирда қўланиб келинмоқда. Қолаверса, клиника шифокорларининг ҳам илмий изланишлари тахсинга сазовор. Бугунгача ходимларнинг бешта ихтисоси учун патент олинган. Ҳар йили соҳадаги нуфузли илм даргоҳлари билан ҳамкорликда стоматологиянинг долзарб муаммолари тўғрисида сайёр илмий-амалий анжуманлар ташкил этиляпти. Бу Қўқон шаҳри ва атроф туманларидаги шифокорлар малакаларини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Шифохона Литвада профессор Суворов клиникаси ва Новосибирск медицина институти жарроҳлик стоматология кафедраси билан хотирали имплементлар ишлатиш мавзусида, Уфа «Витадент» илмий-тектириш институти билан имплантларни ишлатиш, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласида муштама алоқалар боғлаб

келмоқда. Шу боис поликлиникада имплантларни ўрнатишда яқши натижаларга эришиляпти. «Бу ерда, шунингдек, реплантация, яъни тиш олиб, уни даволаб, яна ўз ўрнига ўрнатиш операцияси йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда поликлиника фаолиятида эстетик стоматология соҳасида бир қанча ютуқларга эришилди. Жумладан, дунё микесида қўлланмаётган тиш оқартиришга йўналтирилган «Репид Вай Брошон» воситаси қўлланилмоқда. Ушбу тиш оқартириш воситаси ранги ўзгарган тишларга табиий ранг бериб, асл ҳолига келтиради.

Тиббиёт фанлари номзоди Бахтиёр Мансуров раҳбарлик қилиб келаятган ушбу поликлиника ходимлари аҳоли саломатлиғи йўлида, янада малакали хизмат кўрсатиш учун астойдил бел боғлаганлар. Бу ердаги шифокорлар кам таъминланган оилалар, ногиронлар, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига беғул стоматологик

хизмат кўрсатиб келмоқда. Поликлиника ходимлари маҳалларда, ўқув юртларида, ишлаб чиқариш корхоналарида аҳолини касбий қўриқдан ўтказиб турибдилар. Сиҳат-саломатлик йили давлат дастурини бажаришда кенг қўламада ишлар олиб боришти. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида эса поликлиника ўз олдида 200 минг аҳолига профилактик қўриқ ўтказишни мақсад қилиб қўйди. Шунга қарамай, поликлиника олдида ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар ҳам бор. Масалан, поликлиника биноси тўлиқ таъмирлашга муштакил сезиб турибди. Асбоб-ускуналар эса эски. Яқши ниютлар билан бошланган «Юз-жаг жарроҳлиги клиникаси ва имплантология» стационари қурилиши ҳам, афсуски, чалалигича қолиб кетди. Ушбу қурилиш ишга туширилса, даволаш ишлари анча яқшиланиб, аҳолига хизмат кўрсатишда янада кенг имкониятлар яратилган бўларди.

**М.АБДУЛЛАЕВ.**

**БАРЧА ҚИЗИҚИШИ  
БОР ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ  
ДИҚҚАТИГА!**

Саломатлиқни сақлаш борасида ҳимоя ва гигиена воситаларини ишлаб чиқаришда етакчи бўлган «Kimberly Clark Professional» компанияси Ўзбекистон бозорига санитария-эпидемиология хизмати ва соғлиқни сақлашнинг бошқа соҳаларига ҳимоя комбинезонларини етказиб бериш имкониятига эга.

**КОМБИНЕЗОНЛАР ЎЛАТГА  
ҚАРШИ ҲИМОЯ ВОСИТАСИ  
СИФАТИДА ҚўЛЛАНИЛАДИ.**

Жуда енгил, ўта ҳимоялайдиган, қулай, қўп ва бир мартаба ишлатиладиган мазкур комбинезонлар Европа андозаларининг барча талабларига жавоб беради.

Қўшимча маълумот олиш ва харид қилиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 361-34-32, 152-72-62, уяли: 175-28-02.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га** 9.00 дан 18.00 гача  
**ЭЪЛОНЛАР** 136-09-25  
132-10-63  
242-хона  
**КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.** E-mail: Халк\_suzi@rambler.ru

**Хурматли жаноблар!**

- Ўзбекистондаги «Kimberly Clark Professional» компанияси сизнинг эътиборингизга Европа андозалари талабларига жавоб берадиган, жуда қулайлик яратадиган, ташкилотингиз шароитида ҳимоя ва гигиенани таъминлайдиган юқори сифатли махсуслотни таклиф этади.
- Ушбу ажойиб ҳимоя комбинезонлари: соғлиқни сақлаш соҳасида, санитария-эпидемиология хизматларида, енгил ва оғир санавтада, кимё ва электротехника санавтада фойдаланилади.
- Юқори сифатли диспенсерлар, сарфлаш материаллари: суюктирилган совун, ҳоҳлатхона қоғози, унинг ўрнида учун шахсий қўшамалар, қўл совиқлари, юз учун сарфеткалар, ошхона сарфеткалари, ҳавони тоза қиладиган воситалар.
- Таклиф этиляётган ассортимент меҳмонхона бизнесининг етакчи корхоналарида, ишбилармонлар марказларида, оварат тайёрлайдиган ва миқозларга хизмат кўрсатадиган корхоналарида, соғлиқни сақлаш соҳасида (антибактериал ва замбуруғга қарши совун) қўлланилади.
- Бир мартаба ишлатиладиган ўрамли чойшаблар, баҳиллар (махсус оёқ кийим), респираторлар соғлиқни сақлашнинг барча соҳаларида, санитария-эпидемиология хизматларида, туризм ишлаб чиқариш корхоналарида, санавтада ва оварат тайёрлайдиган корхоналарида ишлатилади.
- Ҳаво рангли иптрил қўлқоплар, қўлқоплар (талъ билан ва талъсиз), жуда қўп соҳаларда қўлланишга мўлжалланган, яъни тиббиёт, озиқ-овқат билан боғлиқ бўлган ташкилотларда ва ишлаб чиқаришда ишлатилади.
- Кўп ва бир мартаба фойдаланиладиган артин материаллари (латта-путталар). Ушбу материаллар оварат тайёрлайдиган ва миқозларга хизмат кўрсатадиган корхоналарини ҳар кунги тозалаш ишларида, шунингдек, ишлаб чиқаришда ўта мураккаб вазифаларни бажаришда ишлатилади.
- Махсус челақчалар ва латта-путталар суяқ дезинфектантларини сақлаш учун мўлжалланган. Соғлиқни сақлаш корхоналарида, озиқ-овқат махсуслотлари ва туризм хил инчмашлар ишлаб чиқаришда муваффақиятчи қўлланилади.
- Диспенсерларга қуйиладиган суюктирилган совун икки хил турга бўлинади, яъни касбий (абразив совун) ва умумий қўлланиладиган совун.
- Касбий (профессионал) суюктирилган совун.
- Ассортиментда суюктирилган совуннинг бир неча турлари таклиф этилади, яъни қўл мураккаб кирларини тозалайдиганидан (мазут, турли хил мойлар ва ҳоказолар) тортиб, ишлаб чиқариш ва миқозларга хизмат кўрсатиш корхоналарида кунда ишлатиладиган суюктирилган совунгача.
- Жуда мураккаб ишлаб чиқариш шароитларида ходимнинг қўлини ҳимоя қилиш ва парваришлаш воситалари.
- Қўл учун крем (суяқ қўлқоплар) — қўлда муҳофаза пардасини (плёнканини) ҳосил қиладиган — диспенсерларга солинган ва 1,5 мл дан сиқиб чиқарилади. Сув билан ювиб юбориш мумкин.
- Юмшатиладиган крем қўлга суртиладиган сўнг диспенсерларга солинган ва 1,5 мл дан сиқиб чиқарилади.

Қўшимча маълумот олиш ва харид қилиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 361-34-32, 152-72-62, уяли: 175-28-02.

